

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЗАКИРОВА ГУЛНОЗА АЛИШЕРОВНА**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАР ФУНКЦИЯСИ БУЗУЛИШИДА  
ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК-ГУМОРАЛ ВА  
ГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Закирова Гулноза Алишеровна**

Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда  
буйраклар функцияси бузулишида эндотелий дисфункциясининг  
клиник-гуморал ва генетик аспектлари..... 3

**Закирова Гулноза Алишеровна**

Клинико-гуморальные и генетические аспекты дисфункции  
эндотелия при нарушении функции почек у больных с хронической  
сердечной недостаточностью..... 29

**Zakirova Gulnoza Alisherovna**

Clinical, humoral and genetic aspects of endothelial  
dysfunction in patients with chronic heart failure  
and impaired renal function..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЗАКИРОВА ГУЛНОЗА АЛИШЕРОВНА**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАР ФУНКЦИЯСИ БУЗУЛИШИДА  
ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК-ГУМОРАЛ ВА  
ГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Tib838 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Аляви Баҳром Анисхонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Собиров Мақсуд Атабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Муллабаева Гузал Учқуновна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Тулабаева Гавхар Миракбаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Л.Т. Даминова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) ҳозирги кунда дунё миқёсда энг кенг тарқалган касалликлар қаторида бўлиб, улар аҳоли ўртасида ногиронликка олиб келувчи ва ўлим ҳолатларининг асосий сабабчиси сифатида сақланиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра «... улардан ҳар йили 17,9 миллион киши вафот этади, бу эса дунёдаги барча ўлим кўрсаткичининг 30%ини ташкил қилади...». ЮҚТК ўлимнинг асосий сабаби сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ҳисобланади. Ушбу гуруҳ беморларда буйраклар дисфункцияси (БД) мавжудлиги нохуш клиник оқибат предиктори саналади. ЮҚТК популяциясида ҳисобланган коптокчалар фильтрацияси тезлиги (хКФТ) нинг пасайиши нохуш прогностик мезон сифатида баҳоланади: 1,73м<sup>2</sup> тана сатҳига унинг кўрсаткичи бир дақиқада 60 мл дақиқага пасайганда, ўлим ҳавфи 2,1 мартабага ортади. Буйрак дисфункцияси (БД) мавжудлигида чап қоринча (ЧҚ) систолик фаолиятини пасайиши беморлар ўлими ҳавфини 3,8 мартага оширади. СЮЕда буйраклар дисфункциясини кузатилиши турли текширувларда 25%дан 60% гача учраши кўрсатиб ўтилган. СЮЕ ва сурункали буйрак касаллиги (СБК) бирга келганда «2-тип сурункали кардиоренал синдром» атамасидан фойдаланилади.

Жаҳонда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларда психологик ўзгаришлар, юракнинг клиник-функционал хусусиятлари ва касалликнинг турли шакллари кечишини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, СЮЕ ривожланиш ҳавфини молекуляр-генетик ва функционал маркерлар асосида эрта аниқлаш ва генетик башоратлаш усуллари жорий этиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Шу билан бирга, СЮЕ беморларида клиник-генетик жараёнларни аниқ ва объектив баҳолаш, касалликнинг индивидуал кечиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда башоратлаш моделларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар ҳам фаол олиб борилмоқда. Эндотелиал дисфункция ривожланишида кенг муҳокама қилиниётган генлардан бири эндотелиал NO-синтаза (eNOS) ҳисобланади. Эндотелиал NO-синтаза (eNOS) гени азот оксиди (NO) синтезига жавобгар бўлиб ва қон томир тонуси регуляциясида, томир девори силлиқ мушак фаолиятида ва тромб ҳосил бўлиш жараёнларида калит ферменти ҳисобланади.

Республикамизда сурункали юрак етишмовчилигида эндотелиал дисфункциясини эрта аниқлаш ва ташхислаш борасида муайян вазифалар амалга оширилмоқда, уларни ҳал этиш тиббиёт соҳасини халқаро талабларга мувофиқ такомиллаштириш, шу жумладан юқори технологияли махсус ташхислаш усуллари жорий этиш орқали ушбу касалликларнинг ривожланишини олдини олиш имконини беради. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ, тиббий ёрдамни янги босқичга ўтказиш учун "... тиббий хизматнинг бошланғич даражасидан бошлаб аҳолига малакали тиббий

хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ..." вазифалари белгиланди. Шунга асосланиб, генетик ўзгаришларнинг ҳиссасини аниқлаш орқали сурункали юрак етишмовчилигида эндотелий дисфункциясини ташхислаш ва башоратлаш чора-тадбирлар комплексини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш керак.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПК:5124-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон — "2022–2026 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси туғрисида"ги Фармони, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** СЮЕ ва унга ҳамроҳ бўладиган буйрак функциясининг бузилиши, яъни кардио-ренал синдром, сўнгги йилларда кўплаб халқаро илмий марказлар ва етакчи тиббиёт университетлари томонидан кенг қамровда ўрганилмоқда. Айниқса, ушбу муаммонинг муҳим йўналишларидан бири-эндотелий дисфункциясининг клиник, гуморал ва генетик асосларини чуқур таҳлил қилиш ҳисобланади. Мазкур йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотлар қуйидаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари ва университетлар мисолида намоён бўлади: Гарвард тиббиёт мактаби (АҚШ), Империял коллеж Лондон (Буюк Британия), Каролинска институти (Швеция), ҳамда Майнц университети клиникаси (Германия), Seoul National University (Корея), Сеченов номидаги Москва давлат биринчи тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Қозон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Харков тиббиёт миллий университети (Украина), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) каби етакчи илмий марказлар эндотелий дисфункциясининг патогенези, NO-синтаза ферменти генларидаги полиморфизм ва уларнинг кардио-ренал синдромдаги аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хозирги кунда, ҳКФТ пасайиши ва сийдик билан альбумин ажралиши ошиши кардиоренал континуумда "буйрак"нинг нохуш прогнози маркерлари сифатида қаралади. Охирги вақтда СКД-ЕРІ (MDRD модифицирланган формуласи) формуласига асосланган янги ёндашув қўлланилади, у креатининни гендер фарқларини ҳисобга олади ва қон зардобиди кам миқдорда креатинин бўлганда, ҳКФТ нинг катта қийматини беради. Ушбу формула нисбатан сақланиб қолган буйрак функцияси ва СЮЕда энг кўп тарқалган СБКнинг эрта (2–3а) босқичлари бўлган шахсларда, ҳКФТни

баҳолаш учун афзалдир. Қатор йирик тадқиқотлар натижалари, масалан, De Pablo-Moreño JA. et al. (2022), Юрак-қон томир тизими касалликлари, шу қаторда, артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги ва инфарктдан кейинги кардиосклероз билан оғриган беморларда эндотелий функциясининг бузилиши кўп ҳолларда касалликнинг оғир кечиши, юрак-қон томир тизимида асоратлар ривожланиши ва ўлим ҳолатлар хавфининг ортишига олиб келиши аниқланган. Сурункали юрак етишмовчилигининг шаклланиши, клиник кечиши ва башоратлашда муҳим омил бўлган эндотелий дисфункциясини баҳолаш терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Inamdar A.A., 2017; Беленков Ю.Н., 2020).

СЮЕ ривожланиши ва патогенезида эндотелий функциясини ва буйраклар ҳолатини баҳолаш бўйича ҳамда уларнинг генетик полиморфизмини юрак-қон томир касалликлари шаклланишидаги ролини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: сурункали юрак етишмовчилигида эндотелий дисфункциясини эрта аниқлаш ва уни ҳисобга олган ҳолда даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Курбанов Р.Д. 2019), касалликда эндотелий ва буйраклар дисфункцияси ривожланишидаги номзод генлар полиморфизми ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Гадаев А.А., 2019; Абдуллаева Ч.А., 2017; Камилова У.К., 2019; Курбанов А.К., 2020), бироқ, сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишида NO синтаза гени полиморфизмини ва хусусиятларини гуморал тизим билан илмий асослашга қаратилган ишлар бажарилмаган. Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини башоратлашда нейрогуморал омилларни янги тамойилларини асослаб бериш, ташхислашда генетик синама усуллари ёрдамида хавф гуруҳларини шакллантириш, башорат қилиш ва мажмуавий ташхислашни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг қатор мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) оқибати ва прогнозини баҳолашда чап қоринча дисфункциясини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири — чап қоринчанинг отиш фракцияси (ОФ) ҳисобланади. Шу билан бирга, буйрак дисфункциясининг (БД) салбий оқибатини башоратловчи янги маркерларни излаш прогнозлаш жараёнида алоҳида аҳамиятга эга. Эндотелий функциясидаги бузилишлар томир деворларининг вазомотор тонусини сусайишига, маҳаллий ва умумий спастик реакциялар ривожланишига, тромб ҳосил бўлишига ҳамда қон томир деворларининг ремоделланишига олиб келади. Бу эса касаллик оқибатларини олдиндан баҳолашда янги маркерларни излаш зарурлигини янада оширади (Cyr A.R., Huckaby L.V., Shiva S.S., Zuckerbraun B.S., 2020). Маълумки, эндотелиал азот оксиди синтазаси (eNOS) эндотелий хужайраларида доимий равишда экспрессияланиб, нормал вазодилатация ва антиагрегант ҳолатни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Balistreri C.R. (2022) фикрларига кўра, эндотелий дисфункциясини фақат лаборатор кўрсаткичлар орқали эмас, балки замонавий ноинвазив усуллар ва генетик тадқиқотлар билан ҳам комплекс баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, сўнги тадқиқотлар эндотелийни тўқималар ва қон орасидаги оддий пассив тўсиқ эмас, балки муҳим биологик фаол аъзо эканлигини кўрсатди. Унинг дисфункцияси нафақат атеросклероз, артериал гипертензия ва юрак ишемик касалликлари каби юрак-қон томир касалликлари континуумининг асосий қисми, балки яллиғланиш реакциялари, аутоиммун жараёнлар, қандли диабет, тромбоз, сепсис каби кўплаб патологик ҳолатлар патогенезида ҳам муҳим ўрин тутди (Кондакова Е.В. ва бошқ., 2023). Юқоридагиларга асосланиб, буйрак найчалари дисфункциясини эрта ташхислашда генетик текширувлардан фойдаланиш истиқболли деб ҳисобланади.

Аксарият тадқиқотларда эндотелий дисфункцияси ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган генлар орасида eNOS генига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ген азот оксиди синтезини таъминлайдиган ферментни кодлайди ҳамда қон томир тизими тонусини тартибга солиш, томир деворидаги силлиқ мушакларнинг фаолияти ва тромбоцитлар агрегациясига таъсир қилувчи асосий молекуляр механизмларда қатнашади (Алиева Т.А., Камилова У.К., 2015). Шунингдек, эндотелий дисфункциясида эндотелин-1 ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, кучли вазоконстриктор хусусиятга эга ва ишемик ҳолатларни оғирлаштиради. Бу гуморал омилнинг Lys198Asn полиморфизми юрак-қон томир касалликлари ҳамда буйрак зарарланиши билан боғлиқ жараёнларда таҳлил этилиши зарур.

Ҳозирги кунда юрак-қон томир патологиясида генетик хавф омилларини идентификация қилиш ва уларнинг касаллик ривожланишига ҳиссасини баҳолаш молекуляр кардиологиянинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Генетик хавф омиллари — муайян касаллик патогенезида қатнашувчи генларнинг полиморф аллеллари ва уларнинг маҳсулотлари (оқсиллар)дир. Бундай хавф омилларини қидиришда асосий мезон — аллеллар частотасининг соғлом популяцияга нисбатан беморлар орасида ишонарли юқори бўлиши ҳисобланади. Уларнинг ўрганилиши аҳамиятли, чунки генетик хавф омиллари модифицирланмайди ва клиник-патогенетик, диагностик баҳолаш аниқлигини ошириб, хавф гуруҳларини стратификация қилишда самарали фойдаланиш имконини беради. Мамлакатимизда СЮЕ ривожланиши ва патогенезида эндотелий функциясини ҳамда буйрак ҳолатини баҳолаш бўйича янги инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаларидан бири саналади. Бу орқали касаллик асоратларини эрта аниқлаш, компенсация даврини узайтириш, ногиронликнинг олдини олиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имкони яратилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида № ПЗ-20170928334 «Буйрақлар дисфункцияси билан кечган сурункали юрак етишмовчилигини клиник-генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда

даволаш ва профилактикасининг янги персоналлашган усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2023–2025 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта ташхислашда клиник-генетик предикторларни аниқлаш ҳамда прогноزلаш ва даволаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар функционал ҳолатини эндотелий дисфункцияси кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда эндотелий дисфункцияси гуморал ва NO-синтаза тизими кўрсаткичларини буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида NO-синтаза гени Glu298Asp ва T-786C, полиморфизмлари хусусиятларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида эндотелин - 1 гени Lys198Asn ва фактор Виллебранта гени rs1063857 полиморфизми хусусиятларини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилигида билан касалланган беморларда буйрак дисфункцияни ташхислаш алгоритмларини ва патогенетик йўналтирилган даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш;

сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиши ва касаллик кечишини эрта башоратлаш усуллари такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказида даволанаётган ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган 35-65 ёшдаги 200 та бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида барча беморларда юрак-қон томир ва буйрак функцияларини баҳолаш мақсадида клиник, функционал, биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқот усулларида фойдаланилади. Иммунофермент усулида эндотелин – 1, фон Виллебранд омили, тромбомодулин кўрсаткичлари биокимёвий усулда ўрганилди. Молекуляр-генетик текширув эндотелиал NOS синтаза генининг Glu298Asp ва –T-786C полиморфизми ҳамда эндотелин - 1 гени Lys198Asn ва фактор виллебранта (VWF) rs1063857 полиморфизми полимераз занжир реакцияси усулида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидаги молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида (раҳбар профессор Каримов Х.Я.) ўтказилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, функционал, лаборатор-биокимёвий, асбобий (юрак УТТ ва буйрак доплерографияси), молекуляр-генетик таҳлиллар ҳамда тегишли статистик усуллардан комплекс равишда фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида NO-синтаза ва эндотелин, ҳамда фон Виллебранд омили генлари хусусиятларини баҳолаш, унинг фаолияти бузилишини эрта аниқлаш ва башоратлашдаги ўрни асосланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида NOS3 -синтаза гени T-786C полиморфизмининг мутант C/C генотипининг ва C аллели юқори учраш сони аниқланиб, у буйрак етишмовчилигининг оғир шакллари билан боғлиқлиги ҳамда буйрак дисфункциясида аҳамияти асосланган;

NOS3 гени Glu298Asp полиморфизми хусусиятлари ҳамда КФТ<60 мл/дақиқа даражалари сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида башорат қилишда аҳамиятсиз эканлиги аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида END1 гени Lys198 Asn полиморфик гени мутант Asn/Asn генотипи ва Asn аллели СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик кечишини оғирлаштирувчи генетик хавф омили эканлиги асосланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида VWF гени rs1063857 полиморфизм локусининг мутант TT генотипи СЮЕ зўрайишига таъсир кўрсатиб, сурункали буйрак касаллиги авж олиш хавфини ошириши ва унинг кечишини оғирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлиши исботланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар:

СЮЕ билан касалланган беморларда эндотелий ҳолатининг гуморал ва молекуляр-генетик кўрсаткичлари асосида буйраклар дисфункциясини эрта предикторлари аниқланган ва клиник-генетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта башоратлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

тадқиқот асосида сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини баҳолаш учун эрта прогностик мезонлар яратилган;

беморларда клиник-функционал ва молекуляр-генетик кўрсаткичлар мезонлари асосида касаллик зўрайиши ва асоратларини олдини олиш бўйича алгоритм таклиф этилган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-генетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнослаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг асосини қўлланилган илмий ёндашув ва методлар, назарий асосларнинг амалий натижалар билан мувофиқ келиши, текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилгани, иштирок этган беморлар сонининг етарлилиги, натижаларнинг статистик таҳлил орқали тасдиқлангани ҳамда уларнинг

маҳаллий ва халқаро тажрибалар билан таққослаб баҳолангани билан таъминланади. Шунингдек, олинган хулоса ва маълумотлар тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан маъқуллангани билан ҳам тадқиқотнинг илмий қиймати янада мустаҳкамланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта аниқлаш, молекуляр-генетик ўзгаришларнинг клиник-функционал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда унинг ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш тамойиллари мувофиқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали юрак етишмовчилиги ва буйраклар дисфункцияси бўлган беморларда эндотелий ҳолатининг гуморал ва молекуляр-генетик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида касаллик кечишини эрта башоратлаш имкониятларини баҳолаш орқали, патогенетик даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда асоратлар ривожланишини олдини олиш бўйича олинган натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида NO-синтаза ва эндотелин, ҳамда фон Виллебранд омили генлари хусусиятларини баҳолаш, унинг фаолияти бузилишини эрта аниқлаш ва башоратлашдаги ўрни асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 29.12.2023-й 59-сонли ва 06.01.2025-й 03-сонли, Тошкент вилояти Соматик клиник шифохонасининг 05.03.2024-й 01-40-сонли ва 29.01.2025-й 01-37-сонли ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22.08.2024-й 45-сонли ва 27.01.2025-й 22-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 йилдаги 17/38 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали юрак етишмовчилиги I–III функционал синф беморларда буйрак дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш хавф омилларини стратификация қилиш, қон плазмасидаги NO-синтаза, эндотелин, L-селектин ва тромбомодулин ҳамда фон Виллебранд омили даражасига қараб амалга оширилди. СЮЕ ФС I–III бор бўлган беморларда эндотелиал фаолият маркерларининг ўсиш динамикаси ва дисфункция даражасининг яққоллиги буйрак дисфункциясининг касаллигини авж олишини ва оқибатларини аниқлаш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: сурункали юрак етишмовчилигини гуморал ва генетик диагностика асосида касаллик кечишини башорат қилиш, касалхонада даволаниш сонини камайтириш, шунингдек, беморларнинг ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш имконини яратди. Тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган тавсияномалар, эрта босқичларда аниқланган СЮЕ билан мавжуд беморларда

буйрак дисфункциясининг ривожланишини аниқлаш, текшириш усулларини ўтказиш ва мақсадли даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш иқтисодий самарадорликка эришилган. Хулоса: сурункали юрак етишмовчилигининг гуморал ва генетик даражасини таҳлил қилиш билан касаллик кечиши башоратланади ва нохуш оқибатларнинг олди олиниб, беморларнинг жорий терапевтик бўлимларида касалхонада даво олиш сонини камайтириб уларнинг ижтимоий фаоллигини сақлаш имконини берди;

*иккинчи илмий янгилик:* сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида NOS3 -синтаза гени T-786C полиморфизмининг мутант C/C генотипининг ва C аллели юқори учраш сони аниқланиб, у буйрак етишмовчилигининг оғир шакллари билан боғлиқлиги ҳамда буйрак дисфункциясида аҳамияти асосланган ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 29.12.2023-й 59-сонли ва 06.01.2025-й 03-сонли, Тошкент вилояти Соматик клиник шифохонасининг 05.03.2024-й 01-40-сонли ва 29.01.2025-й 01-37-сонли ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22.08.2024-й 45-сонли ва 27.01.2025-й 22-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 йилдаги 17/38 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: СЮЕ ва КФТ паст бўлган беморларда NO-синтаза гени T-786C полиморфизмининг мутант C/C генотипи ва C аллели юқори учраш сони аниқланди. Ушбу генотип буйрак етишмовчилигининг оғир шакллари билан боғлиқлиги ҳамда буйрак функциясининг пасайишига генетик таъсир мавжудлигини кўрсатди. Назорат гуруҳида T/T генотипининг юқори частотада учраши унинг химоя қилувчи ролини тасдиқлаши ва T аллелининг СЮЕ ривожланишига қарши протектив таъсир кўрсатишга хизмат қилиши аниқланди. Иқтисодий самарадорлиги: сурункали юрак етишмовчилигини гуморал ва генетик диагностика асосида касаллик кечишини башоратлаш ҳамда касалхонада даволаниш сонини камайтиради, уларни ижтимоий фаоллигини сақлаш имконини берган. Хулоса: NOS3 T-786C полиморфизми, айниқса C/C генотипи ва C аллели, СЮЕ билан касалланган беморларда буйрак етишмовчилигининг оғир шакллари билан боғлиқлиги исботланди. Бу маълумотлар асосида касаллик ривожланиш хавфини баҳолаш имконияти яратилди.

*учинчи илмий янгилик:* NOS3 гени Glu298Asp полиморфизми хусусиятлари ҳамда КФТ<60 мл/дақиқа даражалари сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида башорат қилишда аҳамиятсиз эканлиги асосида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 29.12.2023-й 59-сонли ва 06.01.2025-й 03-сонли, Тошкент вилояти Соматик клиник шифохонасининг 05.03.2024-й 01-40-сонли ва 29.01.2025-й 01-37-сонли ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22.08.2024-й 45-сонли ва 27.01.2025-й 22-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 йилдаги 17/38 -сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: Коптокча фильтрацияси тезлиги даражасига қараб, сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар орасида мустақил маркер сифатида NOS3 гени Glu298Asp полиморфизми КФТ < 60 мл/дақ ва КФТ > 60 мл/дақ даражасида буйрак дисфункциясини башоратлаш учун мустақил прогностик маркер эмаслигини кўрсатди. Ушбу натижалар орқали клиник амалиётда асосиз генетик тестлар сони камайиб, беморлар ортиқча текширувлардан сақлаш имкони яратилди. Иқтисодий самарадорлиги: NOS3 Glu298Asp генетик тестининг аҳамиятсиз башоратлаш тестларни клиник амалиётдан чиқариш орқали генетик таҳлиллар учун сарфланадиган молиявий харажатлар сезиларли даражада камаяди. Юқори қийматли генетик тестлар сонини қисқартириш ҳисобидан, соғлиқни сақлаш тизими учун бюджет маблағларини тежашга хизмат қилади. Хулоса: NOS3 гени Glu298Asp полиморфизмининг буйраклар дисфункцияси башоратлашда паст ахборотий қийматга эга эканини кўрсатди. Бу эса СЮЕ ва КФТ <60 мл/дақиқа бўлган беморларда башоратлашнинг самарадорлигини ошириш учун фақат юқори сезгирлика эга биомаркерларни танлаш зарурлигини асослаб берди. Оқибатда, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ресурслар мақсадли ва оқилона тақсимланиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида END1 гени Lys198 Asn полиморфик гени мутант Asn/Asn генотиби ва Asn аллели СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик кечишини оғирлаштирувчи генетик хавф омили эканлиги асосида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 29.12.2023-й 59-сонли ва 06.01.2025-й 03-сонли, Тошкент вилояти Соматик клиник шифохонасининг 05.03.2024-й 01-40-сонли ва 29.01.2025-й 01-37-сонли ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22.08.2024-й 45-сонли ва 27.01.2025-й 22-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 йилдаги 17/38 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: END1 (Lys198Asn) полиморфик гени мутант Asn/Asn генотиби ва Asn аллели СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик кечишини оғирлаштирувчи генетик хавф омили сифатида аниқланди. Мутант Asn/Asn генотиби ва Asn аллели ташувчиларида ФС III бор беморларда касаллик кечишини оғирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлиб, СЮЕ билан касалланган беморларда ОФ < 40 % ва КФТ < 60 мл/дақ билан боғлиқ гемодинамик ўзгаришлар аниқланди. Сурункали юрак етишмовчилиги фонида буйрак дисфункцияси ривожланишининг олдини олишга натижалари орқали хавфли генотипга эга беморларни эрта аниқлаш ва улар учун шахсийлаштирилган патогенетик даволаш дастурларини жорий этиш имконияти яратилди. Иқтисодий самарадорлиги: генетик хавф гуруҳларини аниқлаш орқали даволаш ва профилактик чора-тадбирлар мақсадли йўналтирилди, бу эса ортиқча ва самарасиз даволаш харажатларини қисқарди. Оғир асоратлар терминал буйрак етишмовчилиги ёки декомпенсацияланган СЮЕ олдини олиш ҳисобидан касалхонада даволаш, гемодиализ ва юқори

қийматли препаратлар харажатлари камайиш имконини берган. Хулоса: END1 гени Lys198Asn полиморфизмининг Asn/Asn генотиби ва Asn аллели СЮЕ билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини оғирлаштирувчи ишончли генетик хавф омили сифатида аниқлаш имконини берган.

*бешинчи илмий янгилик:* сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини юзага келиши ва ривожланишида VWF гени rs1063857 полиморфизм локусининг мутант ТТ генотиби СЮЕ зўрайишига таъсир кўрсатиб, сурункали буйрак касаллиги авж олиш хавфини ошириши ва унинг кечишини оғирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлиши исботланди ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 29.12.2023-й 59-сонли ва 06.01.2025-й 03-сонли, Тошкент вилояти Соматик клиник шифохонасининг 05.03.2024-й 01-40-сонли ва 29.01.2025-й 01-37-сонли ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22.08.2024-й 45-сонли ва 27.01.2025-й 22-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 йилдаги 17/38 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: VWF гени rs1063857 полиморфизм локусининг нохуш Asp аллели ва генотипик вариантлари СЮЕ ҳамда буйрак дисфункцияси ривожланиш механизмида мустақил таъсири аниқланди. У юрак етишмовчилигининг таъсир қилиб, отиш фракциясининг 40 % дан пастга тушиши ва КФТ > 60 мл/дақ бўлган беморларда мутант ТТ генотипининг учраш тезлиги 2,5 баробар ошганлиги аниқланди. Бу генотипга эга беморларни касалликнинг эрта аниқлаш, асоратларни олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини узоқ муддат сақлаш имкониятига эга бўлди. Иқтисодий самарадорлиги: генетик хавф гуруҳларини белгилаш орқали олдини олиш ва даволаш чоралари мақсадли равишда йўналтирилиб, кардиология ва нефрология амалиётга тадбиқ қилиниши касалликнинг турли босқичларида сурункали юрак ва буйрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини башоратлаш имконини ва унинг нохуш асоратларини олдини олиб, патогенетик даво самарадорликни ошириши туфайли беморларнинг меҳнатга лаёқатсизлик муддатини қисқариши самарадорлиги аниқланди. Хулоса: VWF гени rs1063857 полиморфизм локусининг мутант ТТ генотиби СЮЕ билан касалланган беморларда сурункали буйрак касаллиги (СБК) ривожланиши ва кечишини оғирлаштирувчи ишончли генетик хавф омили сифатида тавсия этилади. Ушбу генетик кўрсаткич эндотелиал дисфункциянинг кучайиши, микроциркуляция бузилиши ва буйрак тўқималари зарарланишига олиб келувчи патогенетик механизмларни кучайтириши эҳтимоли борлигини кўрсатди. Генетик скрининг ва мақсадли профилактика чоралари орқали СБК авж олишини секинлаштириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва диализгача бўлган даврни узайтириш мумкин. Шунингдек, бундай ёндашув диализга муҳтож беморлар сонини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари, 20 тезис, шу жумладан 12 таси хорижий мамлакатларда, 8 таси маҳаллий илмий журналларда, 7 та маъруза, 2 та услубий тавсиянома ҳамда 1 та электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур ишлаб чиқилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, бешта боб, хотима, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 200 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти ҳамда ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, мазкур илмий ишнинг республика фан - технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб ўтилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиши патогенези ва диагностикасида нейрогуморал омилларнинг аҳамияти”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ҳамда хорижий адабиётларнинг шарҳи, сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда сурункали буйрак касаллиги келтириб чиқарувчи ва авж олиб боришига кўмаклашувчи омиллар, патогенези ва даволашнинг замонавий усуллари ҳамда фойдаланиладиган дори воситаларининг аҳамияти ёритиб берилган. Сурункали юрак етишмовчилиги ва буйраклар дисфункциясида эндотелий функциясининг роли қисмида сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси авж олиб бориш динамикасида патогенетик омилларнинг, шу жумладан, эндотелиал фаолияти кўрсаткичлари, шунингдек унинг клиник-диагностик маркерларни аниқлаш тўғрисидаги замонавий маълумотлар тақдим этилган ҳамда мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишида муаллифнинг ёндашуви ишлаб чиқилган. Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида генетик омилларнинг роли қисмида юрак қон-томир патологияси генетик хавф омилларини идентификацияси ва касаллик ривожланишига унинг ҳиссасини баҳолаш - молекуляр кардиологиянинг асосий вазифалари ёритилган.



**1-расм. Тадқиқот дизайни**

Диссертациянинг “**Тадқиқот материали ва услублари**” деб номланган иккинчи бобида унинг усуллари шарҳи ҳамда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган. Илмий ишда 200 нафар ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган 35-65 ёшдаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказида шифохона шароитида даволанган беморлар жалб этилган. Уларнинг ўртача ёши  $64,5 \pm 6,4$  ёшни ташкил этди. Беморлар Нью-Йорк кардиологлар Ассоциацияси таснифига кўра СЮЕ ФС гуруҳи бўйича ва олти дақиқалик юриш синамаси (ОДЮС) натижаларига кўра уч гуруҳларга ажратилди. Бундан ташқари эндотелиал фаолият учун 40 нафар ва генетик текширувлар учун 120 нафар соғлом шахслардан иборат бўлган назорат гуруҳи шакллантирилди.

**Тадқиқот услублари** комплекс клиник текширувга олти дақиқалик юриш синамаси (ОДЮС), клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ), юрак ультратовуш текшируви (юрак УТТ), сийдикда ва қонда креатининни (Кр) аниқлаш, NO, Endothelin-1, vWF, тромбомодулин, L-Selectin концентрацияси орқали нейрогуморал омиллар аниқланди. КФТ EPI формуласи бўйича ҳисобланди. Назорат гуруҳини асосий гуруҳ билан солиштириладиган 40 нафар шахс ташкил қилди. 200 бемор ва ўзбек миллатига мансуб 110 нафар шахсда молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказилди. ЭКГ, 12 та анъанавий тармоқлар. СЮЕни ФС ва жисмоний юкламага толерантлик ОДЮС ёрдамида аниқланади. ОДЮС 1985 йилда таклиф қилинган бўлиб, текширилувчи синов шартлари билан танишгандан сўнг 6 дақиқа давомида юра оладиган масофага асосланган. Беморларни клиник ҳолати В.Ю.Мареев томонидан 2000 йилдамодификация қилинган КХБШ орқали баҳоланди. Бу шкалада ҳам беморнинг асосий шикоятлари, ҳам СЮЕнинг яққол объектив белгилари балларда баҳоланади. ҚХБШга киритилган барча бандларни аниқлаш учун асбобий усуллардан фойдаланиш шарт эмас, барча саволларга жавобни анамнез йиғиш ва оддий физикал текширувлар ёрдамида олиш мумкин. Энг

яхши вариант 0 балл, ёмони эса 1-3балл. Якуний натижа барча баллар йиғиндиси асосида шакллантирилади. Буйраклар функциясини баҳолаш СКД-ЕРІ формуласи ёрдамида барча беморларда зардоб креатинини даражаси ва коптокчалар фильтрацияси тезлиги (хКФТ) аниқланди. Беморлар хКФТ қараб 2 гуруҳга бўлинган: хКФТ<60 мл/дақиқа/1,73м<sup>2</sup> – 90 та, ва хКФТ>60 мл/дақиқа/1,73м<sup>2</sup>- 110 та бемор. Буйрак қон оқими қон томир доплерографияси «MEDISON ACCUVIX V20» (Корея) аппаратида, 3,25МГц датчиклар қўлланган ҳолда стандарт эхографик позицияларда ёрдамида аниқланди ва қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланди: энг юқори систолик қон оқими тезлиги (Vs), максимал якуний диастолик қон оқими тезлиги (Vd), вақт бўйича ўртача қон оқими тезлиги (Vmean), қаршилиқ индекси (RI), пульсативлик индекси (PI), ўнг ва чап буйрак артерияларининг даражасида қон оқимида аниқланди. Миокарднинг структур-функционал ҳолати ва ЧҚни ремоделланиш жараёни доплерографияли юрак УТТ ёрдамида баҳоланади. Юрак УТТ «MEDISON ACCUVIX V20» (Жанубий Корея) аппаратида, 3,25МГц датчиклар қўлланган ҳолда стандарт эхокардиографик позицияларда, Америка Эхокардиография Ассоциацияси (ASE) томонидан тавсия қилинган трансоракал усул билан ётган ва чапга ёнбошлаган ҳолатда М- ва В-режимларда ўтказилади юрак УТТ ўтказганда юрак чап қоринчасининг структур геометрик, систолик фаолияти ва диастолик фаолияти кўрсаткичлари баҳоланди. ИФА текшируви ёрдамида плазмада СЮЕ ташхиси қўйилган 200 нафар беморда қон плазмасидаги биомаркерлар даражаси иммунофермент таҳлили (ИФА) орқали аниқланди. Назорат гуруҳи сифатида ёшга мос, соғлом ҳолатдаги 40 нафар эркак фуқаролар жалб этилди. Текширувларда қуйидаги реагентлар ва ускуналардан фойдаланилди: NO (азот оксиди) — Abbkine (AQSh) реактивлари, Assay Kit иммунофермент анализатори. Эндотелин I ва фон Виллебранд омили — Elabscience (AQSh) реактивлари, ELISA Kit анализатори. Тромбомодулин ва L-Selectin — HUMAN (Германия) реактивлари, Numareader HS анализатори. Қон таҳлили учун тирсак венасидан 3–5 мл қон олинди. Зардоб ва плазма компонентлари хона ҳароратида бир неча соат давомида барқарор сақланади. Центрифугалашдан сўнг намуналар –20 °С ҳароратда 6 ойгача сақланиши мумкин; 5 марта музлатиш–эритиш циклига чидамли. Таҳлил рақобатли конъюгатли ИФА усули асосида амалга оширилди. Стандартдаги маркерлар концентрацияси ошгани сайин, конъюгатнинг боғланиши камаяди. Микропластинкалардаги ранг реакцияси стандарт ИФА-ридер орқали ўлчанди ва шу орқали №, Эндотелин I, фон Виллебранд омили, Тромбомодулин ва L-Selectin миқдори аниқланди. Молекуляр-генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида (бўлим раҳбари — профессор Каримов Х.Я.) амалга оширилди. Тадқиқотлар қуйидаги босқичларда олиб борилди. Биоматериал (қон) олиш. Периферик қондаги лимфоцитлардан геном ДНК ажратиш ПЦР усулида қуйидаги генлар полиморфизмлари детекция қилинди. NOS3 гени T-786C ва Glu298Asp полиморфизми, END1 гени: Lys198Asn полиморфизми, VWF гени: rs1063857 полиморфизми. Тадқиқотларда

кўлланилган тижорат тўпламлари, Геном ДНК ажратиш учун «Рибо-Сорб» (ООО «ИнтерЛабСервис», Россия), ПЦР ва полиморфизмни аниқлаш учун ЗАО «Синтол» (Россия) стандарт тўпламлари. Ишлатилган асосий лаборатория ускуналари. Na№Drop 2000 спектрофотометри (Thermo Scientific, АКШ), RotorGene Q амплификатори (QIAGEN, Германия), Центрифугалар (Eppendorf, Hettich, Германия), Ламинар бокс (Туркия), вортекс (Eppendorf, Германия), Автоматик пипеткалар (Sartorius, Финляндия) ва бошқалар. Статистик таҳлил "OpenEpi 2019, Version 9.3" дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди.

**“Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик оғирлик даражаси ва буйраклар дисфункцияси мавжудлигига кўра клиник белгиларининг тавсифи”** деб номланган учинчи бобида СЮЕ билан касалланган беморларда буйрак дисфункцияси ривожланиши билан боғлиқ ҳолда касаллик кечиши ва ремоделланиш жараёнларини мия натрийуретик пептиди билан боғлиқлигини ўрганиш касалликнинг клиник белгиларини СЮЕнинг турли оғирлик даражасида ўтказилган клиник-функционал текширув натижаларига кўра баён этилган.

